



РЕСТАВРАЦИЯ ДАВРИ ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА КЛАССИЦИЗМ

Очилова Дилафруз Бахрамовна,
ҚарДУ катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: классицизм, драматургия, абсолютизм, идеализм, реализм.

Классицизм¹² – даставвал XVI аср италян маданиятида пайдо бўлди, XVII асрда Францияда тўлиқ шаклланиб етилди, XVIII асрга келиб эса маърифатпарварлик даври, Уйғониш даври, Ренессанс даври билан чамбарчас боғланди. Классицизм тўла-тўқис шаклланган, такомиллашган йўналиш сифатида инглиз адабиётига, XVII асрдаги бошқа европа адабиётларидан фарқли тарзда, мос ва хос эмас эди. Англияда классицизмнинг ривож топиши учун, масалан, Франциядаги каби зарур шарт-шароит, асослар йўқ эди, зеро, Францияда классицизм эстетикаси ва адабиётининг Буало, Корнель, Расин ва Мольер каби доврукли намояндалари бор эди. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, Францияда классицизмнинг равнақи ва юксалиши мутлақ монархиянинг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келдики, Франция “тамаддунга юз бурган марказ” ва “жамиятнинг бирлашиш ибтидоси”га айланди.

Англиянинг тарихий тараққиёт йўли бошқача эди. Буржуазия республикасини алмаштирган Стюартларнинг қайта тиклаш — Реставрацияси классицизмнинг гуллаб-яшнаши учун қулай заминни яратмади.

Классицизм эстетикаси антик дунё маданиятига, яъни қадимги римликлар ва юнонларнинг санъати, маданиятига топиниш, эҳтиром ва тартиб ҳамда белгиланган меъёрларга интилувчи ақл-идрок билан боғланган. Агар Уйғониш даврида яратилган асарлар қахрамонлари турли-туман кўринишларда, бой-бадавлатлиги-ю буюк куч-қудрат, жўшқин

эҳтирос соҳиблари сифатида гавдаланган бўлса, классицизм эстетикаси эса, эҳтиросни ақл-идрокка, ҳис-туйғуни — бурчга бўйсундиришни тақозо этади. Ҳис-туйғу билан бурч ўртасидаги кураш асарлардаги конфликтнинг асосига айланди. Характер тасвири эса, бирёқламалиги билан фарқ қилади. Бу жараёнда умумлаштирилган образлар яратишга мойиллик кўзга ташланади.

Англия классицизми асосан шеърият ва драматургияга француз, қадимги римликлар ва юнонларнинг адабиётларини анча устунлик билан таъсир этилганлиги билан фарқланади. Инглиз классицизм адиблари орасида Жон Драйден (John Dryden), Жон Локк (John Locke), Увиллиам Темпл (Sir William Temple), Самуэль Пепис (Samuel Pepys), Альфа Бенн (Aphra Behn) анча машхур бўлишган¹³. Классицизм адиблар издоши бўлмиш Александр Поуп (Alexander Pope) ўз шеърий эсселарида ақл-идрок, услуб ва мазмун уйғунлиги классицизмнинг асосий тамойиллари деб изоҳлаб, қуйидаги мисраларни унинг ижодида намоён этилганига гувоҳ бўламиз:

Expression is the dress of thought, and still

Appears more decent as more suitable... (Part 2, ll. 318–19)¹⁴

Уй-фикрларни ифода этсанг, ул безак ила бўлсин ўралган

Токи у имкон қадар нафис ва хўш адабли бўлсин сўзланган¹⁵

'Tis not enough no harshness gives offence,

¹²классицизм (лот. classicus – намунали) – XVII-XVIII аср бошларидаги адабиёт ва санъатда: антик давр, юнон ва латин адабиёти ва санъати намуналарига тақлид қилувчи оқим;

¹³<https://mc.libguides.com/eng/literaryperiods> English Literature: Literary Periods & Genres

¹⁴An Essay on Criticism: Part 2, Pope, Alexander (1688 - 1744) RPO poem Editors: D. F. Theall. University of Toronto Libraries 2012

¹⁵Муаллиф таржимаси



*The sound must seem an Echo to the sense... (ll. 364–65)*¹⁶

Сўзларинг бировга озор бермаслиги кифоя эмас, эй доно

Сўзларинг ақл ила изҳор айлаб, бўлсин кунгилга ошно¹⁷.

Бирок, 1711 йилда Поупнинг бу сўзлари адабиёт оламида янгилик эмас эди, сабаби Чосердан тортиб Шекспирга қадар бўлган адибларнинг барчаси қадимги юнон ва рим адабиётидан илҳомланиб ижод этганлар. Шу ўринда инглиз классицизми фаҳри, шоир, ажойиб драматург Бен Жонсон (Ben Jonson, 1572–1637) ҳақида тухталиб ўтмасак бўлмас.

Бен Жонсон ўз замондошларидан антик адабиётни ўта чуқур ўрганганлиги ва мумтоз адабиётга меҳр қўйганлиги билан ажралиб турар эди ва айнан шу сабаб Жонсоннинг ижоди бошқа драматурглардан кескин фарқланарди. Адиб Ренессанс ва классицизм адабиёти ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилган ва кейинчалик унинг издошлари бўлмиш Диккенс, Смолет, Теккери ижодига замин яратган.¹⁸ Илк классицист драматург сифатида Бен Жонсон ижодида Рим тарихига ҳам мурожаат этилганлигига гувоҳ бўламиз, бунга мисол қилиб, Сежанусни Кулаши (Sejanus: His Fall, 1603), Катилин ва унинг фитнаси (Catiline, His Conspiracy) каби трагедияларни мисол қилишимиз мумкин. Драматургия тарихига адиб одоб-ахлоқ ва ақл-идрок комедияси асосчиси бўлиб муҳрланди¹⁹. Унинг драматургияси ўша даврда урф бўлган лирик-романтик ёки фантастик комедиялардан фарқли ўлароқ ҳаётий сатирик комедиялар эди. Шекспир комедиялардан анча фарқланган ҳолда Бен Жонсон ўз услуби, яъни инсон ички дунёси ва индивидуал сифатида такрорланмас этиб тасвирлашга ҳаракат қилган. Лотин ва юнон тилларини пухта

эгаллаган Бен Жонсон ‘humor’ лотин тилида аслида одамни физиологик хусусиятига таъриф деган маънодан келиб чиқиб, комедияларининг асл мазмунини шунга қаратди.²⁰ Ҳар бир комедия қаҳрамони ўзига хос индивидуал характерга эга шахс этиб, бир комедиядаги қаҳрамон иккинчисида такрорланмас эди. Адиб ижодида қаҳрамонларни ўзига хос хусусиятларини акс эттиришга ҳаракат қиларкан, қаҳрамонлар ҳаракатлари ноодатий, баъзида кулгили намоён бўлиб, шу сабаб ‘humor’ лотин тилидаги асл маъносидаги одам физиологик хусусияти эмас, балки эндиликда ‘humor- хажвий, кулгили’ деган маънони акс эттира бошлаган. Даслаб ‘humor’ назариясини адиб ўзини “Ҳар бир инсон ҳар турда” (Every Man in his humor, 1599) пьесасида акс эттирган²¹.

Бен Жонсонни “Барфоломю ярмаркаси” комедияси (The Bartholomew Fair, 1614) ўша давр Лондон ҳаёт тарзи, яъни жамиятдаги адолатсизлик, порахўрлик, кибр, ёлғон каби иллатлар одамлар қиёфасида акс эттирилиб, танқид остига олинган.

Жонсон драматургияда Рим сатириги Ювенелга (Juvenal) тақлид қилиб, трагедиялари *saeva indignation*, яъни қаҳр ва ғазабга тўла, шеърятда Рим шоири Маршидан (Martial) илҳомланиб ижод этган²². Мумтоз адабиётга чексиз муҳаббати сабаб юнон ва рим шеърятини пухта ўрганди, Горацийнинг “*Шеърят санъти*” асарини (Horace’s *Ars Poetica*) синчковлик билан мутолаа қилиб, классицизм йўналиши тамойилларини, яъни *уч бирликни —ҳаракат, макон ва вақтни* ўз ижодида фойдаланди. Аслида, бу ‘қоида’ дастлаб Аристотелни ‘*Poetics*’ асаридан олинган бўлиб, бу уч бирлик француз драматурглари томонидан олдинга сурилди ва бу тамойилларга бўй-суниш мажбурий саналади.²³

¹⁶ An Essay on Criticism: Part 2, Pope, Alexander (1688 - 1744) RPO poem Editors: D. F. Theall. University of Toronto Libraries 2012

¹⁷ Муаллиф таржимаси

¹⁸ <https://www.bl.uk/restoration-18th-century-literature>

¹⁹ История английской литературы, Г.В. Аникин, Н.П. Михалская Москва «Высшая школа» 1975.906

²⁰ <https://www.bl.uk/restoration-18th-century-literature>

²¹ История английской литературы, Г.В. Аникин, Н.П. Михалская Москва «Высшая школа» 1975.906

²² <https://www.bl.uk/restoration-18th-century-literature>

²³ <https://www.bl.uk/restoration-18th-century-literature>



Бен Жонсон билан бир қаторда Англияда Реставрация даври адабиётида классицизмнинг назариётчиси сифатида Жон Драйден (John Dryden, 1631 — 1700) ўртага чиқди, уни инглиз адабий танқидчилигининг асосчиси ҳисоблашади. Унинг поэзияси ва драматургиясида классицизм эстетикаси тамойиллари ўзининг мужассам бадиий талқинига эришди. У нафақат шоир, танқидчи ва буюк драматург балки драма санъатининг асосчисидир ҳам. Унинг инглиз адабиётига қўшган ҳиссаси шунчалик улканки, 1660 йилдан 1700 йилгача бўлган вақтни Драйден даври деб инглиз адабиёти тарихида муҳрлаб қўйилган. XX аср адабиёт танқидчиси Т.С. Элиот Драйденни Шекспирга қиёслаб, XVII асрнинг энг етук адиби деб тан олди.

Француз драматурглардан фарқли ўлароқ, Драйден бу тамойилларга риоя этган ҳолда ўзини бекиёс ҳиссасини қўшди. Драматург ўзининг “Драматургия шеърини ҳақида эссе” (An Essay on Dramatic Poesy, 1668) асарида француз драматургларни уч бирлик тамойилига катъий риоя қилганликлари сабаб, пьесалар ҳис-туйғусиз, гуёки улар инсон ўрнига жонсиз ҳайкал гўзаллигини таърифлагандек, деб ёзади. Адиб драмалар жонли, жушқин ҳиссиётларга бой бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди. Горций классицизмнинг адабий таълимоти ва назарияси ақл-идроққа таянган ҳолда қуйидаги тамойилларга риоя қилди:

- драмалар табиатга таҳлид қилиниши;
- антик санъат намуналарига, қаҳрамонларга тақлид қилиш;

- қаҳрамонларни кескин равишда ижобий ва салбий персонажларга бўлиш;
- қаҳрамонни давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани ёки инсоний бурчини бажараётган ҳолда тасвирлаш, охирида қаҳрамонни барча қийинчиликларни енгиб муносиб тақдирланиши;

- золимлик мағлуб бўлиши;

- классицизм бадиий адабиётнинг энг асосий вазифаси – бу инсонни тарбиялаш, ва бунини санъатдан ҳақиқий завқланиш, роҳатланиш, ҳузурланиш орқали амалга ошириш керак деб ҳисоблаган.

Шу билан бир қаторда драматург француз драматургиясидан андоза олиб, у ўзининг айрим асарларини “қаҳрамонона шеър” — беш турокли ямбда, жуфт қофияда ёзади.

Драйден комедия шаклига ҳам мурожаат этди, музыкали драмалар ва қаҳрамонона трагедиялар ёзди. Унинг асарлари сюжети қонли жиноятлар тарихига асосланиб яратилган ва экзотикага қизиқиш билан тавсифланади. Драйден ғаройиб воқеаларни классицизм қонун-қоидаларидан келиб чиқиб тасвирлашга интилган.

Хуллас, Драйден ижодида драматургия муҳим ўрин тутди, у Англия адабиёти меросини ўз ҳиссаси билан бойитиши билан бир қаторда бу соҳада анча илгарилаб кетган француз классицизми намуналарига (Корнель, Расин асарлари) эргашади ва айни пайтда кейинги Елизавета драмаларининг (Бен Жонсон, Бомонт ва Флетчер асарлари) анъаналарини давом эттирди.

Адабиётлар

1. An Essay on Criticism: Part 2, Pope, Alexander (1688 - 1744) RPO poem Editors: D. F. Theall. University of Toronto Libraries 2012.
2. История всемирной литературы. Том-4. Москва: Издательство “Наука” 1987.
3. Мюллер В.К. Драма и театр эпохи Шекспира. Л., 1925.
4. Hakluyt Richard, “The Principal Navigations. Voyages. Traffics and Discoveries of the English nation”. London. 1598-1600.
5. Д. Очилова, М. Холбеков, “Жон Драйден ва унинг “Авранзеб” фожиаси асари. “Хорижий филология” 2014, 3(52) –сон, 29-35б.
6. Г.В. Аникин, Н.П. Михальская, “История английской литературы” Москва, “Высшая школа” 1975.



Очилова Д. Классицизм в английской литературе периода Реставрации. В статье рассматриваются этапы развития классицизма в английской художественной литературе XVII века; также проведён анализ и сравнение литературного направления в английской литературе Бена Джонсона и Джона Драйдена, как теоретиков и основателей классицизма в литературе периода Реставрации в Англии и их вклад в английскую драматургию.

Ochilova D. Classicism in the English literature of Restoration period. This article deals with the stages of development of classicism in English literature of the 17th century; the analysis and comparison were also carried out of the literary direction in English literature of Ben Johnson and John Dryden, as theorists and founders of classicism in the literature of the Restoration period in England and their contribution to English drama.